



**“Бизга бўлаверади”, деб яшашга ҳаққимиз ҳам, вақтимиз ҳам йўқ!”**

3-с.

**Оилани эркак қатъияти ва масъулияти мустаҳкамлайди**

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№46  
(2374)**

**2026 йил  
10 июнь,  
ЧОРШАНБА**

# Маҳалла

**ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН**

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

**УЮШМА КУНДАЛИГИ**

### МАҲАЛЛАДА МАЪРИФАТ ЗИЁСИ НУР СОЧГАНДА...

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев Сирдарё вилоятида бўлиб, маҳаллалар фаолияти билан танишди.



Уюшма раиси Мирзаобод туманидаги “Янги Ўзбекистон” маҳалласига ташриф буюрди. Бу ерда “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида ҳудудда истиқомат қилаётган 5 минг нафардан ортиқ аҳолининг муаммоларига самарали ечим топилмоқда. Ташриф давомида маҳалла биносида яратилган замонавий шарт-шароитлар, аҳоли ва ёшлар учун ташкил этилган ўқув маркази, шунингдек, китобхонлар учун фаолият юритаётган Ахборот-кулубхона маркази фаолияти билан танишилди. Ҳудуддаги тадбиркорлардан бири ташаббуси билан ташкил этилган мазкур маърифат маскани доимо китобсеварлар билан гавжум. Бу ерда ҳар кўни 200 нафардан ортиқ ёшлар китоб мутлоаси билан шуғулланади.

Ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида маҳаллада китобхонлик танловларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Унга кўра, ҳар ой якунида уч нафар ғолибни Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси планшетлар билан тақдирлайди. Натижада ҳар ой юзлаб аҳоли ва ёшларни китоб мутлоасига кенг жалб этиш имконияти яратилади. Маҳаллада нуронийларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки ҳам эътиборга лойиқ. Улар ёшлар билан ҳамкорликда шахмат ва шашка мусобақаларини мунтазам ташкил этиб, авлодлар ўртасидаги маънавий бонглиқни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

“Янги Ўзбекистон” маҳалласида шаклланган мазкур ижобий тажрибаларни мамлакатимиздаги бошқа маҳаллаларда ҳам оммалаштириш мақсада мувофиқ экани таъкидланди.

## Тараққиётнинг йўли марказдан эмас, инсондан бошланади



**“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**

**СЕМИНАР**

### ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА РАИСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан Бўстонлик туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да Тошкент шаҳридаги маҳалла раислари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Ҳаёт суръатининг тезлашиши, рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши ҳамда аҳоли эҳтиёжларининг ортиб бориши маҳалла раисларидан замонавий билим ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб боришни талаб этмоқда. Чунки бугунги маҳалла раиси нафақат ташкилотчи, балки стратегик фикрлай оладиган, муаммоларни тахлил қилиш ва уларнинг ечимини топишда замонавий ёндашувларга эга бўлган раҳбар бўлиши лозим.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, маҳалла раҳбарларининг касбий салоҳияти қанчалик юқори бўлса, ҳудуддаги муаммолар шунчалик тез ва самарали ҳал этилади, аҳоли билан мулоқот сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади. Шу нуқтаи назардан маҳалла раисларининг билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш, уларни илғор тажрибалар, замонавий ёндашувлар ҳамда янги вазибалар билан таништириш муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 8-11 июнь кунлари ўтказилаётган мазкур ўқув-семинар ҳам маҳалла раисларининг касбий маҳоратини янада юксалтириш, соҳадаги долзарб вазибаларни муҳокама қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давоми 2-саҳифада.

**Чекка ҳудуд деганда, кўпчиликнинг ҳаёлига имкониятлар чекланган, тараққиётдан биров ортида қолган манзил келади. Аслида эса тараққиётнинг географияси бўлмайди. У марказ ёки чекка ҳудудни эмас, меҳнатни, ташаббусни ва бирдамликни танлайди.**

Шу маънода Қораўзақ туманининг энг чекка ҳудудларидан бири — Қўйбак овул фуқаролар йиғини бугун мамлакат миқёсидаги “ТОП-100” талик энг намунали маҳаллалар рўйхатидан муносиб ўрин олди. Кимдир буни навбатдаги муваффақият сифатида қабул қилиши мумкин. Аммо биз учун бу — халқ билиш елкама-елка туриб қилинган меҳнатнинг эътирофидир.

Бугун маҳалла раиси фаолиятини йиғилишлар сони ёки расмий тадбирлар билан баҳолаш даври ортида қолди. Энди натижа инсонлар ҳаётидаги ўзгариш билан ўлчанади. Ҳудудда ишсизлик қанчага қисқарди? Нечта оила камбағалликдан чиқди? Нечта нафар ёш ўз келажагини шу ернинг ўзида қуришга қарор қилди? Ана шу саволлар ҳар бир раҳбар учун асосий мезонга айланмоқда.

Давоми 2-саҳифада.



### БУ ИДОРА-ЧИРОҒИ КЕЧАСИ ҲАМ ЎЧМАЙДИ...



5

### ШАҲАР АВТОБУСИ НЕГА ҚЎРҚУВ МАНБАИГА АЙЛАНИБ ҚОЛЯПТИ?



7


### МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Шу кунларда футбол асосий муҳокама мавзусига айланган. Ҳамюртларимиз жаҳон чемпионатини интиқлик билан кутапти. Халқимизнинг терма жамоа вакилларида умиди катта.

### МАҲАЛЛА МАЙДОНИДАН ЖАҲОН САҲНИГА ҚАДАР: ИРОДА, ҚАТЪИЯТ ВА ШИЖОАТ СИНОВИ

Ҳаяжон ва жўшқин туйғуларга бой тарзда ўтадиган ўйинларда жамоа сардорининг ўрни бўлакча. Элдор Шомуродов зиммасига шундай катта масъулият юклатилган. У ўзбек футболнинг замонавий тарихидаги энг ёрқин юлдузлардан бири ва Ўзбекистон тарихидаги энг яхши тўпурар. Спортчи ўзининг меҳнатсеварлиги, камтарлиги ва Европанинг топ-лигаларидаги муваффақиятли иштироки билан миллионлаб мухлислар меҳрини қозонган.

Давоми 6-саҳифада.



**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Филиппин Президентига кучли зилзила оқибатида кўплаб одамлар ҳалок бўлгани муносабати билан таъзия йўллади.**



**Техникум ўқувчилари АҚШ, Буюк Британия, Канада, Европа Иттифоқи давлатлари, Жанубий Корея, Хитой ва Япониядаги "WORK AND TRAVEL" дастурларида иштирок этади.**



**Ўзбекистон, Япония ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида Оролбўйида СУВНИ "АҚЛЛИ" БОШҚАРИШ ТИЗИМИ йўлга қўйилади.**

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

**Замонавий маҳалла раиси қандай бўлиши керак?**

TOSHKENT SHAHRIDAGI MAHALLA RAISLARI UCHUN TASHKIL ETILGAN O'QUV-SEMINARIGA XUSUSIY KETIBSIZ



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Семинарда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари, пойтахтимиздаги 585 та маҳалла раислари иштирок этмоқда. Уюшма вакиллари маҳалла раҳбарлари фаолияти муҳим аҳамият касб этадиган мавзуларда маърузалар қилапти, ўзаро фикр алмашиляпти, савол-жавоблар орқали билимлар мустаҳкамляпти.

Маҳалла раиси ўз фаолиятида ҳуқуқий асосларни чуқур билиши, қабул қилинаётган қарорларни қонунчилик талаблари асосида амалга ошириши муҳим аҳамиятга эга. Бу аҳоли ишончини мустаҳкамлаш ва фаолият самардорлигини оширишнинг муҳим шарти саналади. Шу маънода Конституция ва қонунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда вазибаларига бағишланган мулоқотда маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни, ваколатлари ва фаолият юритиш тамойилларига эътибор қаратилди.

“Маҳалла раислари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш: муаммо, таҳлил ва масъулият” мавзусидаги маърузаларда маҳалла тизимида шаффофлик, ҳалоллик ва очиқликни таъминлаш долзарб вазифа экани қайд этилди. Йигин раиси ҳар қандай қарор қабул қилишда қонун устуворлигига амал қилиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги ҳамда аҳоли билан муносабатларда тенглик ва адолат мезонларига қатъий риоя этиши лозимлиги таъкидланди. Бу нафақат ҳуқуқий, балки маънавий масъулият ҳамдир.

Раисларнинг ташаббускорлиги, интизоми ва фидойилиги маҳалла тараққиётида муҳим ўрин тутди. “Маҳалла раисининг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги” мавзусидаги мулоқотда бугунги кунда раҳбардан фақат вазибаларни бажариш эмас, балки муаммоларни олдиндан кўра билиш, аҳоли билан мулоқот қилиш ва натижа учун шахсан жавоб бериш талаб этилаётгани билдирилди. Самарали маҳалла, аввало, масъулиятли раҳбар фаолияти билан шаклланади.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**Руслан УТЕНИЁЗОВ, Қораўзақ туманидаги Койбак овул фуқаролар йиғини раиси.**

Бир неча йил олдин ҳудудда ишсизлик билан боғлиқ муаммолар етарлича эди. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида доимий даромад манбаига эга бўлмаганлар кўпчиликини ташкил қиларди. Айрим оилаларда иқтисодий қийинчиликлар турли ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Шунда биз бир муҳим ҳулосага келдик: **муаммоларнинг оқибати билан эмас, сабаби билан курашиш керак.**

Ҳар бир хонадон ҳолати ўрганилди. Кимнинг қандай салоҳияти борлиги, кимга иш, кимга кредит, кимга касб

— Семинарда фаолиятимизни янада такомиллаштиришга қаратилган билимларга эга бўляпти, — дейди Чилонзор туманидаги “Кичик Хирмонтел” маҳалласи раиси **Зулфия Аҳадова**. — Жумладан, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда маҳалла раисининг асосий вазибалари, муаммоларни имкони борича маҳалланинг ўзида ҳал этиш йўллари тушунтирилди. Бунинг учун мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш, ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашиш ва мутасадди ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиш зарурлиги уқтирилди. Семинар билим ва маҳоратимизни янада ошириш имкониятини яратди.

“Маҳаллани рақамлаштириш, қозғозбозликдан воз кечиш ҳамда “Рақамли маҳалла” платформасини амалиётга самарали жорий этиш” мавзуси қизиқарли муҳокамаларга бой ўтди. Маҳалла фаолиятини рақамлаштириш орқали ортиқча қозғозбозлик қисқаргани, маълумотлар базаси шаклланиши ва хизмат кўрсатиш сифати ошгани қайд этилди. “Рақамли маҳалла” платформасидан самарали фойдаланиш аҳоли муаммоларини аниқлаш, ҳисоботларни юритиш ва ижтимоий ҳолатни назорат қилиш имкониятларини кенгайтираётгани айтилди.

— Қамбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш маҳалла тизимининг энг муҳим вазибаларидан саналади, — дейди Юнусобод туманидаги “Регистон” маҳалласи раиси **Шухрат Болтабоев**. — Бу жараёнда тадбиркорликни ривожлантириш, касб-хунарга ўқитиш, имтиёзли кредитлар ва давлат дастурлари имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадларини



**“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**

**Тараққиётнинг йўли марказдан эмас, инсондан бошланади**

ўрганиш имконияти кераклиги аниқланди. Шу асосда манзилли ишлар ташкил этилди. Натижа кўп куттирмади. Йил бошида маҳаллада 23 нафар ишсиз фуқаро рўйхатда турган бўлса, бугун уларнинг барчаси даромадли меҳнат билан банд қилинди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 15 та оиланинг 5 таси қисқа вақт ичида қамбағаллик тоифасидан чиқарилди. Бу рақамлар ортида инсон тақдирлари турибди.

Бизнинг энг катта ютуғимиз — юрт соғинчида юрган фуқароларнинг қайтиши бўлди. Меҳнат миграциясида бўлган 48 нафар овулдошимизнинг 46 нафари ўз оиласи бағрига қайтди. Энди улар ўзга юрда эмас, ўз овулимизда — “драйвер” имиз бўлган чорвачилик ва деҳқончилик орқали рўзғор тебратмоқда. Бу ҳолатнинг маънавий аҳамияти иқтисодий натижасидан ҳам каттароқ. Чунки ўз уйига қайтган инсон — оиласи бағрига қайтган ота, фарзандларига қайтган тарбиячи, маҳалласига қайтган фаол фуқародир...

**Маҳалламизда йиллар давомида ижтимоий ёрдам ҳисобидан кун кечириб келган оилалар ҳам бўлган.** Улардан бирига имтиёзли кредит олиш ва иссиқхона ташкил этишда кўмак берилди. Бугун ўша оила бошланиши қадди тик,



юзи ёруғ. Чунки у энди боқувчи эмас, тадбиркор! Бир вақтлар ёрдам кутиб яшаган инсон бугун бошқаларга иш ўрни яратётгани ҳар қандай рақамдан кўра қимматли натижа эмасми?

**Албатта, муаммосиз ҳудуднинг ўзи бўлмайди.** Худудимиз кенг, олис манзилларда йирик ишлаб чиқариш корхоналари бор. Тўғри, бир марта ўғирлик ҳолати содир бўлди, лекин уни бизнинг овулдошлар эмас, бошқа ҳудуддан келиб ишлаётган ходим содир этган. Бу воқеа бизга яна бир дарс бўлди: жиноятнинг олдини олиш учун нафақат ҳудуд аҳли, балки бу ерга келиб-кетувчилар билан ҳам ҳушёрликни оширишимиз керак.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН**



Йиғилиш якунида белгиланган вазибалар ижросини самарали ташкил этиш, ёшларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, шунингдек, Мустақиллик байрамини халқимиз учун ҳақиқий умумий шодиега сифатида ўтказиш юзасидан масъулларга тегишли топшириқлар берилди.



**“ТОП-100” талик рўйхатидан жой олиш биз учун яқиний манзил эмас. Аксинча, бу янада катта масъулият юклатган ишончдир. Чунки ҳар қандай ютуқнинг қадри уни сақлаб қолиш ва ривожлантириш билан белгиланади. Бизнинг олдимиздаги асосий вазифа ҳам ўзгармаган: ҳар бир хонадонга фаровонлик киритиш, ҳар бир ёшнинг орзусига қанот бериш, ҳар бир оиланинг бахтли ҳаёт кечиршини таъминлаш.**

Зеро, маҳалла тараққиётининг ҳақиқий мезони обод кўчалар ёки чиройли бинолар эмас. Унинг энг муҳим кўрсаткичи — инсон тақдиридаги ижобий ўзгаришдир. Обод инсон бўлса, маҳалла ҳам обод бўлади. Мустаҳкам оила бўлса, жамият ҳам мустаҳкам бўлади. Ана шундагина ҳар қандай ҳудуд, ҳатто мамлакатнинг энг чекка овули ҳам тараққиёт ва фаровонлик масканига айланади.

**СЕМИНАР**

**ЖАРАЁН**

**Янги ҳаёт ва келажак йўлидаги уйғунлик**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси раиси **Қаҳрамон Куронбоев** раислигида **Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги** ҳамда **“Ёшлар ойлиги” муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.**



Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 35 йиллигини муносиб нишонлаш, “Ёшлар ойлиги”, 30 июнь — Ёшлар куни ва 12 август — Халқаро ёшлар кунига бағишланган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар кўриб чиқилди. Шунингдек, вазирилик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда масъул ташкилотлар олдида турган устувор вазибалар белгилаб берилди.

Таъкидланганидек, **“Янги Ўзбекистонни ёшлар куради!”** шиори остида ўтказилаётган “Ёшлар ойлиги” доирасида мамлакатимиз бўйлаб маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, “Start-up” лойиҳалар тақдимотлари, очик мулоқотлар, касб-хунарга йўналтириш ва ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар кенг қамровда ташкил этилади.

Йиғилишда 12 август — **Халқаро ёшлар куни** муносабати билан мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган Бутунжаҳон ёшлар анжуманига тайёргарлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, мазкур тадбирда дунёнинг турли мамлакатларидан юзлаб ёшлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда хорижий меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган — **“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!”** бош ғояси асосида ташкил этиладиган “Мустақиллик тўйи” фестивал тадбирларини юқори савияда ўтказиш бўйича аниқ вазибалар белгилаб берилди.

Мулоқот давомида аҳоли, айниқса, ёшларни мамлакатимиз музейларига кенг жалб этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу борада ишлаб чиқилган манзилли чора-тадбирлар режасига мувофиқ 10 июндан бошлаб музейларга ташрифларни кенгайтиришга қаратилган кенг қўламли тарғибот ва ташкилий ишлар амалга оширилади.



**АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳрида ўзбекистонлик ёш тадбиркорлар учун мўлжалланган "UZBEKISTAN BUSINESS LEADERS" (UBL) дастури ишга туширилди.**



**Курилишда рухсат бериш ва тармоқларга улаш тизими соддалаштирилади, айрим БЮРОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



**Аҳоли murojaatlari ВАҚТИДА КҮРИБ ЧИҚИЛМАГАН ОРИТДАН 19 нафар ходим ишдан олинди.**

**2026 йил 10 июнь, ЧОРШАНБА**

**Mahalla №46**

**3**

## “ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

**ТАЖРИБА**

### ОИЛА ДАВРАСИДА ТОПИЛГАН ДАРОМАДНИНГ БАРАКАСИ БОШҚАЧА

Сайхунобод тумани бундан бир неча йил аввал келган киши бугунги ўзгаришлардан хайратга тушади. Аввал аҳоли томорқаларига, асосан, беда экиб, шу билан қаноатланар эди. Сув етишмаслигидан айрим ерларга экин экилмасди. Бугун маҳаллаларга борсангиз, мутлақо бошқа вазиятга дуч келасиз.



**Тоҳир ЖАВЛОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сайхунобод тумани бўлими бошлиғи.**

Сайхунобод тумани тажрибаси аҳоли томорқаларининг бўш турган ерларидан оқилона фойдаланиш, чорвачилик, қуёнчилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа йўналишларни йўлга қўйиб, қўшимча даромад топиш манбаига айланмоқда. Сабзавот, полиз ва бошқа озиқ-овқат экинлари етишти- раётган, чорва моллари ва парранда парваришлётган ер эгаларига дуч келасиз. Уларнинг рўзғори бутлигини, ҳаётдан розилигини кейинги

йиллардаги ислохотлардан мамнун чехраларидан ҳис этасиз. Янги тажриба жорий қилинган, “Олғабос” маҳалласида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилалар даромадини ошириш имконияти вужудга келди. Аслида ҳам, боқиманда бўлиб яшаш ёмон. Қўлдан берганга қўш тўймайди, деган гап бор. Озгина ҳаракат қилинса, паррандачилик, қуёнчилик, асаларчилик ортидан даромад олиш мумкинлигини сайхунободликлар ўз тажрибасида кўриб, амин бўляпти. Шавкат Турсунов ўзининг 4 сотих томорқа ер майдонига “Колумбия” нави картошка экиб, 2 тонна ҳосил олди. Етиштирилган маҳсулотни бозорга чиқариш орқали 20 миллион сўм соф даромадга эга бўлди.



**Эътиборлиси, томорқадан йил давомида самарали фойдаланиш мақсадида ҳосил йиғиштириб олинган майдонга эндиликда помидор экишни режалаштирмоқда. Бу эса бир йилда икки мартаба ҳосил олиб, даромадни янада ошириш имконини беради.**

Бир гуруҳ ёшлар 50 сотихдан ер олиб, ошқовоқ экишган эди. Натижа ёмон бўлмади. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти ишсиз ва миграциядан қайтганлар. Мисол учун, Одил Норбеков бир неча йилдан бери хоржида ишларди. Юртга қайтган, ажратилган ерда деҳқончилик қилишни бошлади. Экилган ошқовоқнинг ҳосилини йиғиб, бозорга чиқарди. Дастлабки йилда, қирқ тўрт миллион сўм даромад олди. Бунинг учун бор-йўғи икки миллион сўм харажат қилди. “Оила даврасида, қариндошлар яқинида топилган маблағнинг баракаси бошқача буларкан”, дейди хурсандлигидан. Эркин Бердиалиев асли кексалик гаштини суриб юрадиган ёшда. Аммо бугунги ислохотлар уни ҳам руҳлантириб юборди. “Бекор тургунча, бекор ишла”, деганларидек, томорқада 60 туپ анор етиштирмоқда. Йилига 12 миллион сўмгача даромад топади. Бундан ташқари узум, ёнғоқ, бодом дарахтлари, тўқсонбости экинлар, картошка, сабзи, помидор ва бошқа рўзгор учун керакли маҳсулотлар ҳам бозордан сотиб олинмайди. Аксинча, органи сотилади. Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллаларда бирор қарич бўш ер, бирорта бекорчи одамни учратмайсиз.

**“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**

## “Муаммоларга асосли ва аниқ жавоб бермагунча “еттилик”да ҳаловат йўқ”

**Инсон қачонки ўзини бахтли ҳисобласа, ўшанда ривожланиш, ўсиш, ўзгариш бўлади. Аслида, бунинг учун кўп нарса керак эмас. Ўз уйи, тайинли иши, доимий даромад манбаи бўлса, оиласи билан тинч-хотиржам яшаса, шунинг ўзи етарли. Ислохотлар қуруқ рақамларда эмас, балки аҳолининг кундалик ҳаёти, рўзғориди, дастурхонда аксини топиши лозим.**

**Ҳусниддин ПАЙЗИЕВ, Навбахор туманидаги “Совунгар” маҳалласи раиси.**

аолиятимиз бош мақсади шу йўналишларга қаратилган. Ҳар бир фуқаро билан яқин дўст, маслаҳаттўй сифатида гаплашамиз. Бирорта мурожаат эътиборсиз қолдирилмайди. Чунки унинг ортида муҳим жиҳатлар, кундалик ташвишлар ва ечимини қутаётган муаммолар мужассам. Баъзан бу оддий маиший масала бўлиши мумкин, баъзан эса йиллар давомида ҳал этилмаган мураккаб муаммо. Шу боис уларни чуқур ўрганиб, адолатли ечим топиш “еттилик”нинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Кўтарилган масалага асосли ва аниқ жавоб бермагунча ҳаловат нима билмаймиз. Аиникса, жараёнда давлат идоралари раҳбарлари иштирокида сайёр қабуллар ўтказиш доимийлик касб этмоқда.



Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ҳамда касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида хунармандчилик ўқув курслари ташкил этдик. Ўқув жараёнида миллий хунармандчилик анъаналари, замонавий дизайн асослари, қўл меҳнати орқали маҳсулот тайёр-

лаш сир-асрорлари ҳамда тайёр маҳсулотни бозор талабларига мос равишда ишлаб чиқиш бўйича амалий билим ва кўникмалар берилмоқда. Шунингдек, машғулотлар давомида тикувчилик, каштачилик, гилам тўқиш ва бошқа йўналишларда ҳам дарслар утиляпти.



**КАШҚАДАРҒА**

**ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ**

## “Бизга бўлаверади”, деб яшашга ҳаққимиз ҳам, вақтимиз ҳам йўқ!”

Томорқадан самарали фойдаланиш ҳақида кўп гапиримиз. Ҳатто, кейинги пайтда ерини бўш қўйган фуқаролардан икки баробар солиқ ундириш белгиланди. Бу — тўғри тадбир. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Яъни, бирор экин турини етиштириш учун, аввало, сув зарур. Меъёрда суғориш имконияти яратилган, у ёғи хонадон эгасининг ҳаракатига боғлиқ.

ҳаёт бағишлади. Қарийб 50-60 йилдан сўнг сув чиқарилиб, томорқадан самарали фойдаланиш ва деҳқончиликни ривожлантириш учун зарур шароит яратилди.

Бундан руҳланган одамлар ҳам аҳилликда ташаббус кўрсатмоқда. Қўлайлик ва имкониятларга “лаббай”, деб жавоб берган ҳолда насос қурилган жойда 100 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатилди. Бу эса келгусида насос учун сарфланган электр энергияси бепул бўлади, дегандир.

ди. Шунингдек, ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олиш учун 1 км. узунликда бетон ариқ қурилди. Бу эса фойдаланилмай келган ерларга янги



Маҳалламиз чўл худудлари сирасига киргани учун оқар сув умуман етиб бормаган хонадонлар бор эди. Шу боис одамлар томорқасида экин етиштириш тугул, бирорта кўчат ўстириш имконига эга бўлмаган. Яқингача сув тақчиллиги, ички йўллар ва электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар кундалик ҳаётга жиддий таъсир кўрсатар эди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида бюджетдан 3 миллион 539 миллион сўм маблағ ажратилди. Амалга оширилган ишлар натижасида одамларнинг ҳаёт тарзи мутлақо ўзгарди. 280 та хонадон томорқасини сув билан таъминлаш мақсадида 1,9 км. масофада қуёвур ётқизилди. Насос қурилмаси ишга туширилиб, янги трансформатор ҳамда 100 дона темир-бетон устун ўрнатил-

**Аббос ЯРАШЕВ, Нишон туманидаги “Новур” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**



**Муҳими, ишсизлик, камбағаллик ва жиноятчиликдан холи ҳудудмиз. Йил бошида 30 нафардан зиёд ишсизлар рўйхатга олинган бўлса, бугун барчаси ишли. Уларга “Ўсиш нуқта”миз — деҳқончилик ва чорвачилик йўналишида имтиёзли кредит олишда қўмаклашдик.**

Қолаверса, тадбиркор Зухриддин Акмалов ташкил этган ишлаб чиқариш корхонасида 20 та, Рустам Сайидовнинг савдо корхонасида 10 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, Ижтимоий реестрда турганларга турли имтиёзлар берилган бўлиб, улар ҳам молиявий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланади. Афсуски, кейинги пайтда айрим ўзига тўқ оилалар шу рўйхатга киритишимизни талаб қилиб келмоқда. Гуёки, рўйхатни шакллантириш “еттилик” ваколатида, деб ўйлашмоқда. Мана шундай инсонлар билан ишлаш бироз қийин бўлмоқда. Вазиятни тушунтирсак, биздан норози бўлиб, юқори турувчи тузилмаларга шикоят билан чиқишмоқда. Айни пайтда шу каби мавзулардаги тартиб тадбирларини қўчайтирмоқдамиз.

Аббос Давлатов рўзгорга керакли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини илгари бозордан сотиб олган бўлса, бугун йилига 3 мартга ҳосил олиб, 50-60 миллион сўм соф даромад топмоқда. Органини бозорга олиб чиқиб сотмоқда. Бир сўз билан айтганда, сув келгани қувончимизга қувонч қўшиди. Қайси хонадонга

қирманг, яшиллик, яшнатиш жараёнига гувоҳ бўласиз. Одамлар ҳар бир кунни бир имконият, деб билади. Кимдир эртанги помидор, картошка эккан, кимдир гулу боғзор яратган. Бир четда ҳар хил кўчатлар ҳам кўзни қувонтириб турибди. Ҳарна рўзгорга фойда. Томорқандан узиб олиб, еганга нима етсин?!



**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**Комилжон ДАДАБОВЕВ, Чуст тумани:**

— Мен ишсиз сифатида рўйхатда тураман. Ой бошида “еттилик” ходимлари бандлигини таъминлаш учун мавсумий иш таклиф этишди. Бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаганим учун иккиланяяман. Имкони бўлса, шу тўғрисида тушунча берсангиз, кўпчиликка фойдали бўлар эди.

## “МЕНИ МАВСУМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ЭТИШДИ, АММО...”

**Лазиз ҚАРШИЕВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:**

— Иқлим ва бошқа табиий шароитлар туфайли муайян давр давомида бажарилмайдиган ишлар мавсумий ишлар, деб аталади. Уларнинг давомийлиги одатда, 6 ойдан ошмаслиги белгиланган. Мавсумий ишлар, жумладан, олти ойдан ортиқ давом этидиган айрим ишлар рўйхати ва уларнинг энг кўп давомийлигини Вазирлар Маҳкамаси уч томонлама комиссия билан келишган ҳолда белгилайди.

Амалдаги тартибга қўра, мавсумий ишнинг хусусияти меҳнат шартномасида кўрсатилиши керак.

Мавсумий ходимларни ишга қабул қилишда синов мuddати белгиланмайди. Улар билан меҳнат шартномаси мавсумнинг давомийлигидан ошмайди мuddатга тузилади.



**“So`liq” иловасидаги КЕШБЭК МАБЛАҒЛАРИНИ ДАРАХТ ЭКИШГА ЙўНАЛТИРИШ МУМКИН бўлди.**



**Ўзбекистонда шахсий эҳтиёж учун йилига биттадан кўп АВТОМОБИЛЬ ОЛИБ КИРИШГА ҚўЙИЛГАН ЧЕКЛОВ БЕКОР ҚИЛИНДИ.**



**МАРКАЗИЙ БАНК: Ўзбекистонликлар энг кўп кредитларни уй хариди учун олаётгани маълум бўлди.**

**4**

**Mahalla №46**

**2026 ЙИЛ 10 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА**

**“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”**



**ХОРАЗМ**

**ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ**

**Оилани эркак қатъияти ва масъулияти мустаҳкамлайди**

**“Аёллар дафтари”нинг жорий этилиши хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда катта аҳамият касб этди. Иқтидори ва қизиқишларини тўла намоён эта олмаётган опсингилларимиз субсидия ва имтиёзли кредитлар ёрдамида ўз бизнесини йўлга қўя бошлади.**

**Насиба РЎЗМЕТОВА, Хива туманидаги “Қушчи каттабоғ” ва “Истиклол” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.**

Хавожон Худойберганова шундай ташаббускорлардан бири. У 2022 йилда “Аёллар дафтари”га киритилиб, 5 миллион сўм кредит олди. Ховлиснинг бир четида алоҳида бино қуриб, аста-секин тикувчиликка қўл урди. Қўраётган фойдасини мақсадли йўналтириб, тикув машиналари сонини 10 та етказди. Айни вақтда 10 нафар шогирди билан бирга замонавий парда ва миллий либослар тикишни маҳорат билан уйдalayпти. Шу кўнга қадар имтиёзли кредит олиб, иш бошлаган хотин-қизларнинг деярли барчаси режаларини чиройли тарзда амалга ошириб келяпти. Сабаби, “етилик”

вакиллари доим улар билан елкадош. Қандайдир муаммо юзага келса, дарров ёрдамга ошиқамиз. Айни вақтда иккита маҳалла ҳудудида 2 минг нафардан кўпроқ хотин-қиз истиқомат қилади. Уларнинг қизиқиш ва интилишлари турлича. “Қушчи каттабоғ” маҳалласида энорчилик асосий фаолият тури ҳисобланади. 712 та хонадоннинг 500 таси боғдорчиликнинг айни йўналиши билан банд. Хонадон вакиллари томорқасида 50 тупдан 100 тупгача бўлган анор дарахтларидан йилига 50-60 миллион сўмгача фойда қилади. Аёлларимиз кузда кўчатларнинг устини ёпиш ҳамда баҳорда очиш ишларида жуда фаол. Қолаверса, ҳосил йиғим-теримни тўлиқ зиммаларига олган. Маҳсулот ички бозордан ташқари, экспортга ҳам чиқарилмоқда. Саида Қодирова — илғор тадбиркорларимиздан. Аввалдан тикувчилик йўналишида ёшларга таълим



бериб келаётган аёл эндиликда фаолиятини янада кенгайтириш ҳаракатида. Тез орада унинг ташаббуси билан барпо этилаётган аёллар соғломлаштириш маркази очилди. Бу ерда барча ёш тоифасидаги хо-

тин-қизларнинг спорт билан шуғулланишига шароит ҳозирланяпти. Бундан ташқари, Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш маркази маҳалладаги бўлажак келин-куёвларни катта турмушга тайёрлашда ёрдам беради.



Шу ўринда муҳим бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Биз кўпинча қизларни оилага тайёрлаш масаласига эътибор қаратиб, йигитларни унутиб қўямиз. Аслида, кучли жинс эгаларининг турмуш ўртоғи ва бўлғуси фарзандлари олдидаги масъулиятни ҳис қилиши жуда муҳим. Шу боис маҳаллаларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда айнан ўғил болалар учун махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқишлигини хоҳлардик. Шундагина мождарлар камайиб, сўзининг залвори бор оила бошиқлари кўпайган бўларди.



**ЖИЗЗАХ**

**“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**

**“Билмаганга иш ўргатдик, маблағ бериб, йўл кўрсатдик”**



**Идорага кимдир кириб келса, дардини кўзидан англайман. Хоҳиш-истаклари, мақсад-муддаоси ҳам яққол сезилади. Муаммоларга ечим топиш бўйича ҳам анча тажриба эгалладим. Кунига ўн беш, йигирма нафарга яқин фуқаро мурожаати билан ишлаймиз. Айниқса, оилавий келишмовчиликларни бартараф этиш, бандлик, тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида кўплаб ижобий натижаларга эришдик.**

TARBIYA BIZ UCHUN  
YO HAYOT - YO MAMOT, YO NAJOT -  
YO HALOKAT, YO SAODAT -  
YO FALOKAT MASALASIDIR.  
A. AVLO

Маҳалламиз жиноятчиликдан бутунлай холи. Бу натижани сақлаб қолиш мақсадида ҳар бир кўчага замонавий кузатув камераларини ўрнатяпмиз. Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки ажратган 5 миллион доллар маблағ эвазига ҳудуд инфратузилмасини яхшилашга киришганмиз. Кўчалар асфальтланяпти, ариқлар таъмирланиб, томорқаларга оқова сув кириб боришига шароит яратилляпти. Айни вақтда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш асосий эътибор марказимизда. Бу жиддий аҳамият талаб этадиган мавзу. Баъзан келиша олмаётган эр-хотинни яраштириб қўйишдан кўра, айрилишига имкон берган маъқул. Сабаби, таъйиқ ва зўравонлик ҳолатлари сабаб аёлга етказиладиган зарар эҳтимоли юқори бўлади. Шундай вазиятларда бизнинг аралашувимиз ажрашишдан кўра, оғирроқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Арзиманган масалаларда келиб чиққан тушунмовчиликларни эса имкон қадар ҳал этапмиз. Маҳалладаги ўн икки йиллик тажрибам сабаб деярли психолог бўлиб кетдим. Аҳоли вакиллари ҳам қандайдир муаммо юзага келса, дарров ёнимизга шошади. Ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ортида эса ижобий томонга ўзгараётган тақдир эгалари бор. Қанча кўп инсонга ёрдамимиз тегса, шунча шодимиз.

фаолият юртишига дастак бўлди. 7 нафар хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлаб, ойига 2,5-3 миллион сўмдан маош беряпти. Кўнлик фойдаси 1 миллион сўмдан зиёд. “Етилик” ходимлари бундай тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдан чарчамаймиз. Тайёр маҳсулотларни тарғибот қилиб, харидорлар сафини кенгайтиришга кўмаклашяпмиз.

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**Комила ЗОКИРОВА, Тошкент вилояти:**  
— Анчадан бери тадбиркорлик билан шуғулланаман. Маҳсулотларим билан халқаро кўргазмаларда иштирок этмоқчиман. Бунинг учун нима қилишим керак? Харажатлар қоплаб бериладими?

**ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ХАРАЖАТЛАРИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИМИ?**



**Гавҳар ҲАЙИТМЕТОВА, “Савдони ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи:**

— “Савдони ривожлантириш компанияси” халқаро кўргазмаларни ташкил этиш ва маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари ва металлургия, электротехника ва маиший техника, автомобилсозлик, кимё ва фармацевтика саноати, мебель ва ёғочсозлик, хунармандчилик, заргарлик каби тармоқларга эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг учун сиз компаниянинг “subsidiya.erauzb.uz” онлайн платформаси орқали ариза топшириб, рўйхатдан ўтишингиз зарур. Халқаро кўргазмаларда иштирок этиш учун қатор талаблар мавжуд. Биринчи навбатда, корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс сифатида расман рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги ҳамда сўралган ҳужжатлар тўлиқ юкланиши лозим. Компания тадбиркорнинг кўргазмада қатнашиш, кўргазма лавҳаси ижараси, уни лойиҳалаш ҳамда қуриш каби асосий харажатларни қоплаб беради.

**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХҲУЖАЕВА тайёрлади.**

**Дилшод НОРҚЎЗИЕВ, Жиззах шаҳридаги “Дўстлик” маҳалласи раиси.**

Аҳоли вакиллари билан 75-80 фоизи давлат корхоналарида фаолият юритади. Қолганлар эса савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд. Ҳозир ҳудудимизда бирор-та бекорчи одам йўқ. Шароити оғир оилаларнинг фаровонлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорликка жалб қилдик. Билмаганини ўргатдик, маблағи йўқларга кредит ажратдик, субсидия асосида керакли асбоб-ускуналар олиб бердик. Бундан ташқари, томорқадан фойдаланиш маданиятини ошириш орқали хонадонлар даромади ошди. Чорвачилик эса қўшимча маҳсулот сифатида кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Флора Қурбанова — янгилик қилишдан тўхтамайдиган фуқароларимиздан. Бундан тўрт йил аввал у хонадониде бошлаган қандолатчилик ҳозирга келиб анча ривожланди. Маҳалла тавсияси билан берилган 50 миллион сўм кредит ҳамда пишириш мосламаси унинг мустаҳкам ишонч билан

**НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ**

**Орзу дарахти барибир мева беради**

**Шўрчи туманининг “Қоқайди” маҳалласида яшовчи Ойсара Воҳидова ва унинг турмуш ўртоғи Алёр Абдуҳамидов меҳнатсеварлиги, сабр-тоқати ҳамда тадбиркорликка хос ёндашуви билан ҳамқишлоқлари орасида хурмат қозониб келмоқда.**

Бу иш осон кечмади. Чунки pista сабр талаб қиладиган, йиллар давомида парвариш қилиниши лозим бўлган дарахтлар қаторига қиради. Кўчатларни суғориш, уларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, тупроққа ишлов бериш каби ишлар мунтазам амалга оширилди.

— Pista экиш ҳақида ўйлаганимизда, кўпчилик бу ишнинг натижасини узок кутишга тўғри келишини айтганди. — дейди Ойсара Воҳидова. — Лекин биз сабр қилдик. Ҳар бир кўчатни фарзандимиздек парваришладик. Орадан олти йил ўтиб, томорқадаги 40 туп pista дарахтимиз ҳосилга кирди. Бу эса кўп йиллик меҳнат ва интилишнинг амалий натижаси бўлди.

Дастлабки йилларда ҳар бир дарахтдан ўртача 4-5 килограмдан, жами 120 килограммга яқин ҳосил олди. Асосий мақсадимиз ҳосилдорликни янада ошириш ва pista етиштириш тажрибамизни кенгайтиришдир. Шу мақсадда саралаш ишларини олиб боряпмиз, ҳосилдор навларни пайванд қиляпмиз. Бугунги кунда иқлимимизга мослашган минг тупдан ортиқ pista кўчатларини парваришляпмиз. Мутахассисларнинг таъкидлашича, pista курғоқчиликка чидамли, иқтисодий жиҳатдан даромадли ва экологик аҳамиятга эга экинлардан бири ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда аҳоли томорқаларида ва деҳқон хўжаликларида pista етиштиришга қизиқиш ортиб бормоқда. Қоқайдилик томорқачиларнинг бу тажрибаси эса мазкур йўналишда фаолият бошламоқчи бўлган бошқа фуқаролар учун ҳам яхши намуна бўла олади.

**Нигина ШОЕВА, журналист.**

Улар бир неча йил аввал оддий томорқага катта орзуларини ниҳол қилиб эккан эди. Бугун эса улар илк ҳосилини бериб, меҳнатнинг ширин меваси намоён бўлмоқда. Оила 2019 йилда 6 сотих майдонига Эрон pistaсининг машҳур “Аҳмадий” навини экишга қарор қилди.





Ўзбекистондаги барча олийгоҳларда ТАДБИРКОРЛИК АСОСЛАРИ ФАНИ жорий этилади.



Барча ОТМларида КАРЬЕРА МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИБ, энг юқори натижа кўрсатган 20 тасига 500 миллион сўмдан ажратилади.



Ўзбекистонда 2026/2027 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-СИНФИГА ҚАБУЛ ЖАРАЁНЛАРИ 20 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ.

2026 йил 10 июнь, ЧОРШАНБА

**Mahalla** №46

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



АНДИЖОН

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

### ЁШЛАРНИ ТИНГЛАШ, ТУШУНИШ КЕРАК, ШУНДА УЛАР ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ЎЗИ ТАНЛАЙДИ

Санжар ҲАЛИМОВ, Булоқбоши туманидаги “Нефтчилар” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳаллаимиз чекка ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шундай бўлса-да, ёшлар орасида ўз билим ва иқтидори билан нафақат ҳудудимиз, балки юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганлари ҳам бисёр. Масалан, Тоҳиржон Олимов дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларидан бирига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинди. Яна бир қатор йигит-қизларимиз хориж тили имтиҳонларидан юқори баҳо олиб, халқаро таълим имкониятларини кенгайтирмоқда.



Бир воқеа ҳали ҳам ёдимда. Маҳаллаимиздаги бир йигит оғир шариоитда улғайган эди. Отаси узоқ йиллардан бери хасталик билан курашар, онаси эса кунлик ишлар орқали рўзгор тебратарди. Оилада моддий қийинчилик кучайган сари йигит ҳам ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. Бир кун у тезроқ пул топиш мақсадида бозорда сотувчилар учун тушириб берилган маҳсулотларни руҳсатсиз олиб чиқиб сотишга уринди. Ҳолат ўз вақтида аниқланиб, ҳуқуқбузарлик сифатида қайд этилди.

Бу хабарни эшитганимда уни жазолашдан кўра, нега бу йўлга кириб қолганини тушуниш муҳимроқ, деб билдим. Сўхбатлар давомида унинг аслида ёмон ниъти йўқлиги, шунчаки оиласига ёрдам бериш учун чиқиш йўлини тополмай қолгани маълум бўлди.

Шундан сўнг уни ўқув марказимизда ташкил этилган бадийий безак ва компьютер технологиялари курсларига жалб қилдик. Дастлаб унга жуда қийин бўлди. Чунки уйда компьютер йўқ эди. Кечқурун дарсдан кейин ҳам марказда қолиб дарс қилар, баъзан транспорт пулини тежаш учун бир неча чақирим йўлни пиёда босиб ўтарди. Бир неча бор курсни ташлаб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо устозлари ва биз уни руҳлантириб турдик.

Орадан бир йил ўтиб, у бадийий безак бўйича етарли кўникмага эга бўлди. Илк буюртмасидан олган маблағини онасига тутқазган кун икунларидаги қувонч ҳали ҳам эслайман. Бугун у маҳаллий корхонада ишлайди, қўшимча равишда интернет орқали ҳам буюртмалар қабул қилади. Энг муҳими, бир вақтлар адашиб қадам ташлаган йигит бугун ўз меҳнати билан оиласининг таянчига айланган.

Ҳар бир ёшнинг ортида тақдир, орзу ва имконият яширинган бўлади. Агар биз уларга ишонсак, қўллаб-қувватласак ва тўғри йўл кўрсатсак, адашган қадам ҳам муваффақият сари бурилиши мумкин.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

### Бу идора чироғи кечаси ҳам ўчмайди...



НАВОИЙ

Ҳудудимиз тинч, аҳоли тотув. Энг катта ютуғимиз ҳам айнан шу — одамларимизнинг ҳамжихатлиги, бир-бирига меҳр-оқибат билан муносабатда бўлишидир. Маҳаллаимизда кимнингдир кўмакка эҳтиёжи бўлса, қўлимиздан келганича ёрдам, керак бўлса, маслаҳат берамиз.



Ҳилола РЎЗИМУРОВА, Навоий шаҳридаги “Зиёкор” маҳалласи раиси.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПЯПТИМИ?


“Катта орзулар ҳар доим кичик қадамдан бошланади”, дейишади. Аммо баъзан шу биринчи қадамнинг ўзи ҳам катта жасорат, билим ва сабр талаб қилади. Муборак туманидаги “Ёшлик” маҳалласида фаолиятини бошлаган замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси ана шундай интилиш ва меҳнатнинг амалий натижаси бўлди.

### Орзу, мақсад кучли бўлса, инсон ортга чекинмайди

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Ушбу лойиҳа ёш тадбиркор Феруза Бурхонова ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилди. Ёшлар ишлари агентлиги тавсияси асосида “Алоқабанк” ажратган 5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит лойиҳани молиялаштиришга йўналтирилди. Бу рақамни тилга олиш осон, аммо уни ишончга айлантириш, режани лойиҳага, лойиҳани эса ҳақиқий фаолиятга олиб чиқиш ортида катта масъулият ва машаққат ётади.

— Бу йўл осон кечмади, — дейди Феруза Бурхонова. — Кўпчилик 5 миллиард сўмни натижа сифатида кўради. Аммо бу маблағгача бўлган йўлда изланиш, ҳужжатлар, ҳисобкитоб, ишонч қозониш ва энг муҳими — ўзингизга ишонинг каби кўринмас меҳнат бор. Айрим пайтлар қийинчиликлар ҳам бўлди, лекин орзу ва мақсад кучли бўлса, инсон ортга қайтмайди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Бугун янги мажмуада меҳмонхона, ўқув маркази, банк хизматлари ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари йўлга қўйилди. Бу нафақат аҳоли учун қўлай хизмат муҳитини яратди, балки ҳудуд иқтисодий фаоллигига ҳам фойда келтирди. Энг муҳими, лойиҳа доирасида 20 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу ташаббус ёшларга имконият берилганда фақат ўз келажагини эмас, балки бутун маҳалланинг ривожига ҳам ҳисса қўшишини исботлади. Феруза Бурхонованинг бу йўли қўллаб-қўлловчи бўлиши учун ҳаракат қилиш, қўрқмасдан катта мақсад қўйиш ва орзуларни амалга ошириш мумкинлигининг ёрқин намунаси бўлиб қолади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Барно ҲОШИМОВА.

Навоий вилояти: — Тўйимиздан 4 ой ўтар-ўтмас, оилавий зўравонликка учрадим. Энди никоҳдан ажрашиш учун судга мурожаат қилмоқчиман. Бундай ҳолатда суд бизни яраштириш учун муддат берадими? Шунингдек, уй-жой масаласида низо келиб чиқса, меннинг яшаш ҳуқуқим қандай ҳимоя қилинади?

### ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН ШАХС ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА?

Санжар ОБИДОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар сиз оилавий зўравонликдан жабрланган бўлсангиз, қонунчилик сизнинг ҳуқуқларингизни алоҳида ҳимоя қилади. Оила кодексининг 40-моддасига киритилган қўшимчага кўра, никоҳдан ажратилиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда, суд сизнинг талабингиз асосида ярашиш учун муҳлат тайинламайди. Яъни зўравонликка дуч келган шахсни мажбурий равишда яраштиришга уриниш амалиётига йўл қўйилмайди. Шунингдек, “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан жабрланган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча ҳуқуқий кафолатлар жорий этилди. Жумладан, турар жойдан фойдаланиш билан боғлиқ низолар кўриб чиқилганда, суд тарафларнинг келишуви асосида жабрланган шахсни яшаш учун мос бошқа уй-жойга жойлаштириш ёки ижарага олинган уй-жой учун тўлов мажбуриятини турмуш ўртоғи зиммасига юклаш масаласини ҳал қилиши мумкин.

Чунки ҳаёт катта-кичик синовлардан иборат. Айниқса, аёллар бошига тушадиган синовлар баъзан жуда оғир бўлади.

Кўпинча ўйлаб қоламан: нахотки ўзбек аёллари шунчалик матонатли бўлса? Ҳаётда бунга кўп бора гувоҳ бўлганман. Масалан, маҳаллаимиздаги бир аёл уч нафар фарзанди билан ажрашди. Бу қарорга келиш унинг учун осон бўлмади. Кенжа фарзанди ҳали она сути оғзидан кетмаган чақалоқ эди. Шундай мураккаб вазиятда маҳалла унинг ёлғиз эмаслигини ҳис қилиши учун ёнида туришга ҳаракат қилди. Дастлаб уни тикувчилик мономарказида ўқишга йўналтирдик. Ўзи ҳам тиришқоқ, меҳнатқаш. Бир дона тикув машинаси олиб бергандик. Ўз устида ишлади, хунарини ривожлантирди. Бугун ўша аёлнинг қўли остида ўндан ортиқ тикув машинаси бор. Энг қувонарлиси, у яна саккиз нафар аёлни иш билан таъминлади, уларга ҳам даромад манбаи яратди.

Яна бир ёлғиз аёлга пишириш молламоси олиб берилган эди. У ҳам имкониятдан унумли фойдаланди. Кичик оилавий корхона ташкил этди. Ҳозир тўй ва турли маросимлар учун пишириқлар тайёрлаб, кўплаб буюртмаларни бажармоқда.

Бу натижаларни айтиш осон, албатта. Аммо ҳар бир муваффақият ортида қанча машаққат, қанча уйқусиз тунлар ва сабр-тоқат борлигини яхши биламиз. Баъзан мен ҳам ана шундай аёллардан ўрнак олиш керак, деб ўйлайман. Чунки аёл — оиланинг таянчи. У таълим бўлишга ҳаққи йўқ. Ана шундай матонатли инсонлар маҳаллаимизнинг ҳақиқий фахридир.

Бугун маҳаллаимиз ҳақида китоб ёзиш ниятидамыз. Чунки кейинги йилларда ҳудудимизда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Инфратузилма сезиларли даражада яхшиланди, қўшимча бинолар қурилди, янги мактаб фойдаланишга топширилди. Лекин мен учун энг катта ютуқлардан бири — маҳалла биносининг мавжудлигидир.

Маҳалла биносида учта маҳаллага хизмат кўрсатувчи инспекторларнинг фаолият юритиши хавфсизлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлайди. Шу сабабли мен ҳам дам олиш кунлари хотиржам бўлиб, оилам даврасида вақт ўткази оламан. Чунки маҳаллада масъул инсонлар борлигини биламан. Ҳатто кечаси ҳам бинода чироқ ёниб туради, зарур ҳолларда инспекторлар хизматда бўлади. Одамлар ҳам бемалол маҳаллага, ҳатто уйимизгача келиб, дардини ёки муаммосини айта олади. Бу эса маҳалла билан аҳоли ўртасидаги ишончнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Келгусида яна бир масалага эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблайман. Маҳалладаги ҳар бир “еттилик” вакили, албатта, битта маҳалла биносида фаолият юритиши зарур. Чунки баъзан бирор оилада муаммо ёки низоли вазият юзага келганда, хотин-қизлар фаоли ёки ёшлар етакчисини дарҳол топа олмаклик масаланинг ҳузурли кетишига сабаб бўлади. Шунингдек, маҳалла ходимлари имкон қадар ўша ҳудуднинг ўзида яшовчи фуқаролардан танланса, янада яхши натижа беради. Боиси маҳаллада яшайдиган инсон одамларнинг кайфияти, муаммоси ва эҳтиёжларини яқиндан билади, воқеа-ҳодисаларга тезкор ва тўри ечим топа олади.



ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАР оромгоҳларда бепул дам олади.



Девзирадан тайёрланадиган АНДИЖОН ПАЛОВИ географик кўрсаткич сифатида рўйхатга олинди.



Хукумат қарори билан мактаб ва шифохоналарда ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ЛОЙИҲАЛАР амалга оширилади.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИНАМОЛИК МАНБАИДИР!”



ФАРФОНА

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МАҲАЛЛА МАЙДОНИДАН ЖАҲОН САҲНИ ҚАДАР: ИРОДА, ҚАТЪИЯТ ВА ШИЖОАТ СИНОВИ

Элдор Шомуродов 1995 йил 29 июнда Жарқўрғон туманидаги “Нурли диёр” маҳалласида таваллуд топган. Унинг отаси Азамат Шомуродов ва аммакиси Илҳом Шомуродов ҳам ўз вақтида профессионал футбол билан шуғулланган.

— Элдор уч-тўрт ёшидан буён тўп тепади, — дейди Жарқўрғон туманидаги “Нурли диёр” маҳалласи раиси Азиз Мажидов. — Болалигидан спортга меҳри бўлакча. Доим уни уйининг олдидаги катта стадионда терлаб-пишиб шуғулланаётганини кўрадим. Биринчи мураббийи Одил Ҳасановнинг ўғиллари, бобоси, отаси ва аммакисининг қўллаб-қувватлаши Элдорнинг ютуқларига замин яратди. Маҳалладаги кичик турнирлардан бошланган қадам уни дунё сахнига қадар етаклади. Бугун спортчимиз эришаётган ютуқлардан катта ғурур ва фخر дамиди.

**Элдор 11 ёшидан бошлаб Муборакнинг “Машъал” клуби академиясида таҳсил олди ва катта футболга илк қадамларини шу ерда ташлади. 2015 йилда у Тошкентнинг “Бунёдкор” клубига ўтди. Бу ерда спортчи ўз маҳоратини тўла намойён этиб, нафақат Ўзбекистон чемпионатида, балки Осиё Чемпионлар Лигасида ҳам бой тажриба тўплади.**

Юқори даражадаги ютуқларга қарамай, Элдор ўзининг оддийлиги ва муомала маданияти билан хурмат қозонган. Термиз шаҳридаги футбол мактабига тез-тез келиб, болаларга машғулотлар ўтиб туради.

Айни вақтда маҳаллаимизда спорт билан шуғулланиш учун барча шароит мухайё. Учта стадион хамиша ёшлар билан тўла. Болалар Элдорнинг ортидан эргашиб, кундан-кунга қувонарли натижаларни қўлга киритяпти.

Элдорнинг хориджаги фаолияти унинг ҳақиқий салоҳиятини очиб берди. 2017 йилда Шомуродов “Бунёдкор”дан Россиянинг “Ростов” клубига ўтди. Валерий Карпин қўл остида Элдор жисмоний ва тактик жиҳатдан сезиларли даражада ўсди. 2019-2020 йилги мавсумда у жамоанинг ҳақиқий етакчисига айланиб, рақиблар дарвозасига муҳим голларни урди.

2020 йил кўзда Шомуродов фаолиятида кескин бурилмиш юз берди. У Италиянинг энг қадимий жамоаларидан бири “Женоа” билан шартнома имзолади. А Сериядаги илк мавсумидаёқ 8 та гол уриб, кучли чемпионатга тез мослаша олишини исботлади. Атиги бир йилдан сўнг, 2021 йилнинг ёзида, машҳур мураббий Жозе Моуриньо таклифи биноан, Элдор “Рома” аъзосига айланди.

Элдор Шомуродов учун Ўзбекистон миллий терма жамоаси либосини кийиш хамиша юксак шараф бўлиб келган. 2023 йилда у Ўзбекистон миллий терма жамоаси тарихидаги энг яхши тўпурар мақомига эга бўлди.

У терма жамоа сардори сифатида майдондаги ва майдон ташқарисидagi етакчилик фазилатлари, ёш футболчиларга ўрнатилган бўлиши билан жамоани олдинга бошлаб келмоқда. Спортчи Ўзбекистон терма жамоасини Жаҳон чемпионатида олиб чиқишдек катта мақсадни уддалади.

Элдор Шомуродов бугунги ўзбек ёшлари учун меҳнат, интилиш ва мақсад сари тўхтамай ҳаракат қилишнинг жонли намунасидир. Сурхондарёнинг кичик бир маҳалласидан чиқиб, Европанинг машҳур стадионларида гол уриш даражасига кўтарилиш фақатгина кучли ирода ва тинимсиз меҳнат маҳсулидир. У ўзбек футболни номини дунёга танитишда давом этмоқда.

Шахноза РАҲИМҲУЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ТУШКУНЛИК ЎРНИНИ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ ВА УМИД ЭГАЛЛАДИ

Ҳаёт инсонни турли синовлар билан чархлайди. Айрим ҳолатлар борки, улар нафақат матонатни, балки кишининг эртанги кунга бўлган ишончини ҳам тоблайди.

Дилафрўз МАМАДАЛИЕВА, Бағдод туманидаги “Обод юрт” маҳалласи ижтимоий ходими.



**Оила бошлиғи Ҳусанбой ака эса пенсия ёшида. Қон босими ва эшитиш билан боғлиқ муаммолар туфайли меҳнат қилиш имконияти чекланган. Бирок бу хонадонда умид сўнмади. Чунки оиладаги ўзаро меҳр-оқибат йил сайин кучайиб борди. Қолаверса, маҳалла ахли, яқинлар ва саховатпеша инсонлар ҳам бу оиланинг дардида бефарқ қарамади. Айтиш мумкинки, “Инсон” маркази кўрсатган ижтимоий хизмат ва амалий ёрдамлар Ҳошимовлар ҳаётида ҳақиқий бурилиш ясади.**

Дастлаб Умиджоннинг даволаши учун моддий ёрдам ажратилди, электрон юритмали аравача тақдим этилди ва инклюзив таълим тизимига жалб қилиниб, тенгдошлари қаторида таълим олиши учун имкон яратилди.

Мавлудахон опа ва Умиджонга психологик ёрдам кўрсатилди. Ҳусанбой акага эшитиш мосламаси тақдим этилди ва мактаб қоровули лавозимига ишга жойлаштирилди. Оилага икки бош қорамол олиб берилиб, барқарор даромад манбаи яратилди. Шунингдек, оила кийим-кечак ва зарур рўзгор буюмлари билан таъминланди. Уй-жойни таъмирлаш учун маблағ ажратилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланди.

Бугун Ҳошимовлар хонадонига кирган инсон кечаги тушкунликни эмас, балки эртанги кунга бўлган ишончни кўради.

Мана, икки йилдирки, ижтимоий ходим сифатида фаолият юритаман. Ижтимоий ҳимоя тизимида ишлаш мен учун нафақат касб, балки инсонлар ҳаётига ижобий ўзгариш киритиш, уларнинг дардида шерик бўлиш ва муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишдек масъулиятли вазифадир. Шу боис, фаолиятим орқали аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшаётганимдан фخرланаман.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 8 нафар воёга етмаган болага васийлик ва ҳомийлик белгилашда кўмаклашдим. 6 нафар фуқаро “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди.

Фаолиятим давомиди амин бўлдимки, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ҳар бир амалий ёрдам инсонларнинг ҳаётида янги умид, ишонч ва имконият эшигини очди. Келгусида ҳам бу йўлдаги фаолиятимни сидқидилдан давом эттириб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга муносиби ҳисса қўшишга интиланаман.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шахноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.

СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ...

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси ҳовлисида йўлга чиққан автобуслар қарвони Бўстонлик туманидаги ёзги болалар оромгоҳига етиб келди.

ТАБИАТ ҚҮЙНИДА, ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА ВАҚТ ЯНАДА МАРОҚЛИ

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

Мазкур тадбир доирасида вилоятдаги ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган 170 нафарга яқин киз “Афсона” ёзги болалар оромгоҳига жўнатилди.

Мазкур маскан Тошкент вилоятининг тоғ олди ҳудудидаги сўлим, хушхаво ва гўзал манзарали гўшадда жойлашган бўлиб, дам олувчилар учун мароқли ҳордик чиқариш ҳамда соғломлаштиришга мўлжалланган барча зарур шароитлар билан таъминланган.



— Оҳангарон туманидан келдим, — дейди оромгоҳ иштирокчиси Самандар Холдоров. — 4-синфда ўқийман. Янги дўстлар орттираман, китоб муталаасига ҳам вақт ажратаман. Оромгоҳда вақт қўйнида шахмат ўйнаш — энг севимли машғулотим.

Шунингдек, оромгоҳда ёшларнинг тенгдошлари билан тажриба алмашиши, касб-хунарга йўналтирилиши ҳамда кизиқиш ва истеъдодларини ривожлантиришга қаратилган турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиши режалаштирилган.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

БАХТЛИ БОЛАЛИККА БЕМИННАТ ЁРДАМ

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганига уч йил тўлди. Ушбу давр мобайнида болаларни ҳимоя қилиш тизимида тарихий ислохотлар амалга оширилди.

Энг муҳими, давлат сиёсатининг марказига бола манфаатлари, оилавий муҳит ва инсон қадр-қиммати қўйилди. Бугунги кунда ижтимоий ҳимоянинг асосий мақсади болага шунчаки ёрдам кўрсатиш эмас, балки унинг оилада улғайиш, меҳр ва эътиборни ҳис қилиш, хавфсиз ва қўллаб-қувватловчи муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат.

Айни вақтда 8 мингга яқин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола назорат қилинмоқда. “Ёшларга хамроҳлик” дастури орқали 11 минг нафар бола қамраб олинди, 13 турдаги ижтимоий ёрдам тизими жорий этилди.

Болаларни муассасаларга жойлаштиришдан воз кечилиб, оилавий муҳитни ривожлантириш устувор йўналишга айланди. Натижада:

- Оилавий болалар уйлари сони 130 тадан 423 тага етди;
- 480 нафар бола муассасалардан оилавий муҳитга қайтарилди;
- 8 та болалар уйдан 7 тасининг фаолияти тугатилди;
- Бахт шахри ва Чиноз туманидаги ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасалари ёпилиб, 228 нафар бола оилавий муҳитга қайтарилди.



**Чет элда ота-она қарамоғисиз қолган 239 нафар бола Ўзбекистонга қайтарилди. Шунингдек, сўнгги уч йилда 1 965 нафар ёш бепул уй-жой билан таъминланди. 2 мингдан ортиқ йигит-қиз олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.**

Республикадаги 8 та “Она уйи”да оғир ҳаётий вазиятдаги 180 нафар она ва 210 нафар болага ёрдам кўрсатилди.

Профессионал тутинган оила ва “Меҳрли оила” хизматлари йўлга қўйилди ҳамда 315 нафар психолог махсус тайёрларикдан ўтказилди.

Бу рақамлар ортида минглаб болаларнинг янги ҳаёти, оиласига қайтиши, таълим олиши, ўз келажагига ишонч билан қараши мумкин.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.



**ҚУРИЛГАНИГА 50 ЙИЛДАН ОШГАН кўп квартиралли уйларда қайта режалаштириш ишларини амалга ошириш тақиқланди.**



**Судьялар учун ДАРОМАД ВА МОЛ-МУЛК ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ тизими ишга туширилади.**



**Қорақалпоғистондаги МАХСУС МАЙНИНГ ЗОНАСИ РЕЗИДЕНТЛАРИГА йигимлар буйича имтиёз берилиши мумкин.**

**2026 йил 10 июнь, ЧОРШАНБА**

**Mahalla №46**

**7**

# “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

## МЕНДА САВОЛ БОР...

**Баҳром ЭЛТОВЕВ. Самарқанд вилояти:**

— Мен кичик тадбиркорман. Ўтган йили зарар кўрдим ва фойда ололмадим. Энди бу йил даромад олишни бошлаяпман. Аввалги даврда кўрилган зарарларни ҳозирги фойдамдан чегириб ҳисоблаш ҳуқуқи сақланиб қоладими?

## Зарар суммасини келгуси даврга ўтказса бўладими?

**Жавлон АМИНОВ, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи:**

— Солиқ кодексининг 333-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчи кўрган зарарларни келгуси даврларга ўтказиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Хусусан, зарар кўрилган солиқ давридан кейинги 10 йил давомида ушбу зарар суммаси фойда солиғи буйича солиқ солинадиган базадан чегириб борилиши мумкин. Мазкур тартиб аввал амалда бўлган 5 йиллик муддатга нисбатан узайтирилди ва солиқ тўловчиларга молиявий фаолиятини тиклаш ҳамда бизнесни барқарор ривожлантириш учун кўшимча имконият яратди. Бунда келгусига ўтказилаётган зарар суммаси ҳар бир солиқ даврида фойда солиғи буйича солиқ солинадиган базанинг 60 фоизидан ортиқ миқдорда чегирилиши мумкин эмас.

## МУАММОГА НАЗАР

## Шаҳар автобуси нега қўрқув манбаига айланиб қоляпти?

**Кун бошланиши билан шаҳар кўчалари жонланади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга, яна кимдир ўз юмушлари билан турли манзилларга шошади. Ана шу ҳаракатнинг асосий таянчларидан бири — жамоат транспорти. Айниқса, автобуслар ҳар кун миңлаб инсонларни манзилга етказиб қўяди. Аммо кейинги вақтларда автобусга чиқиш ҳам баъзан таваккалчиликка айланиб бораётгандек...**



**Жорий йилнинг 6 июнь кунини Бектемир туманида электробус ҳайдовчиси транспорт воситасини орқага ҳайдаётган вақтда пиёда ни босиб кетди. Оқибатда фуқаро воқеа жойида вофот этди. 2 апрель кунини Яккасарой туманида автобус ҳайдовчиси светофорнинг тақиқловчи сигнаliga амал қилмасдан ҳаракатланиб, йўлни кесиб ўтаётган 13 ёшли қизни уриб юборган. 30 март кунини эса автобус ҳайдовчиси пиёдалар ўтиш жойида икки кишини туртиб кетган. Афсуски, бу ҳолатлар кам эмас...**

**Шаҳноза ХАЛИЛОВА.**

### АВТОБУСДАГИ БЕПАРВОЛИК: Йўловчилар ҳаёти кимнинг қўлида?

Бекатда турибсиз. Автобус келади. Қўл кўтарасиз, аммо у тўхтамай ўтиб кетади. Ёки эшик очилади-ю, йўловчи тушиб улгурмасидан ҳайдовчи ҳаракатни бошлайди. Натижада кимдир йиқилади, кимнингдир асаби бузилади. Айниқса, ёши катталар, бола кўтарган аёллар ва мактаб ўқувчилари учун бундай ҳолатлар жиддий муаммо туғдиради.

Энг ачинарлиси, баъзан йўловчилар ҳайдовчини эҳтиёткорликка чақирса, жавоб сифатида қўпол муносабатга дуч келади. Ваҳоланки, салонда ўтирганлар юк эмас, ҳар бири ўз ҳаёти, орзу-мақсадлари ва уни қутаётган яқинларига эга инсонлардир.

Яна бир муаммо борки, унга деярли ҳар бир йўловчи гувоҳ бўлган. Айрим ҳайдовчилар автобусни худди пойгада иштирок этаётгандек бошқаради. Бири иккинчисидан ўзиб кетишга интилади, тезликни оширади, кескин “тормоз” беради. Бу пайтда салонда қўлтиктаётгани инсон ҳам, чақалоқ кўтарган она ҳам борлиги кўпгина эътибордан четда қолади. Бундай эҳтиётсизликнинг оқибати эса баъзан фожиа билан яқунланмоқда.

**Савол туғилади:** бу қачонгача давом этади? Автобус ҳайдовчиси фақат транспорт воситасини бошқармайди. У ўнлаб инсонларнинг ҳаёти ва ҳавфсизлиги учун жавобгар шахс ҳисобланади. Бир лаҳзалик шожалоқлик ёки эътиборсизлик кимнингдир тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

## ҲАЛОЛЛИККА ТАЯНГАН ТАДБИРКОР ЮТҚАЗМАЙДИ

**Кўпчилик солиқ инспекторини фақат текширувчи, деб тасаввур қилади. Аслида, инспекторнинг вазифаси — муаммони олдиндан тушунтириш, қонунни содда тилда изоҳлаш ва тадбиркор билан бирга тўғри ечим топишдир.**



**АНДИЖОН**

## СОЛИҚЧИ – КўМАКЧИ

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ, Бўстон туманидаги “Гулшан” ва “Боғи эрам” маҳаллалари солиқ инспектори.**

**Я**қинда маҳалла-мизда бир ва-зият юз берди. Анвар ака узок йиллардан бери қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланади. Вақт ўтиб, у эски омбор биносини сотиб, ўрнига янгироқ жой олишга қарор қилди. Худуддаги шунга ўхшаш омборлар бозорда тахминан 1 миллиард сўм атрофида сотилаётган эди. Аммо Анвар ака ҳужжатларда нархни 700 миллион сўм қилиб расмийлаштирди. Ўзи бунини оддий тушунтирди: “Барибир харидор билан келишдик, нархни пастроқ кўрсатсан, солиқ ҳам камроқ чиқади, деб ўйладим”. Тадбиркор наздида бошида бу оддий ечимдек кўринди. Лекин орадан вақт ўтгач, бошқа муаммолар пайдо бўла бошлади. Биринчидан, шу худуддаги бошқа тадбиркорлар эътироз билдирди. Чунки улар ўз биноларини ҳақиқий бозор нархида расмийлаштириб, солиқларни тўлаб кел-ётган эди.

Иккинчидан, маҳаллада нотўғри тушунча пайдо бўлиши мумкин эди: “Нархни паст кўрсатса бўларкан”, деган қараш шаклланса, аста-секин ҳамма ҳужжатда бошқа, амалда бошқа нарх кўрсатишга ўтиб кетади. Қолаверса, бундай ҳолатнинг ўзи тадбиркорга ҳам хавф туғдиради. Эртага мулк буйича низо чиқса ёки молиявий ҳисоб-китоб керак бўлса, ҳужжатда кўрсатилган нарх асос бўлиб қолади. Шу сабабли мавжуд маълумотларни таҳлил қилдик. Худуддаги ўхшаш бинолар нархи ва бошқа очиқ манбалар солиштирилди. Натижада ҳужжатдаги нарх бозор нархидан сезиларли даражада фарқ қилаётгани аниқланди.

Анвар ака хавотир билан мурожаат қилди. “Энди нима бўлади? Мени жазолашади-ми?” Солиқ инспектори сифатида унга шунини тушунтирди. Бу ерда мақсад жарима қўлаш эмас. Қонунчилик буйича айрим ҳолларда солиқ базаси бозор нархидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади. Чунки бозорда тенг шариот бўлиши керак. Кимдир ҳақиқий нархда ишласа, бошқаси сунъий равишда нархни тушуриб устуңлик олмадлиги лозим.

Муаммонинг ечимини ҳам оддий: биринчидан, сотиш ва харид қилиш нархларини имкон қадар ҳақиқий бозор қийматига мос кўрсатиш, иккинчидан, нарх бошқа-ча шакланган бўлса, уни тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаш, учинчидан, олдиндан солиқ ташиқоти ёки мутахассис билан маслаҳатлашиш. Натижада Анвар ака ҳужжатларини тартибга келтирди ва кейинги битимларни бозор нархиға яқин расмийлаштиришга қарор қилди.

Бу мисол бир нарсани кўрсатади: бозор нархидан келиб чиқиб солиқ базасини аниқлаш — тадбиркорни қийнаш эмас, балки маҳаллада ҳалол ишлаётганларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ва тенг рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

## ТАРТИБ

### ҚҚСга ўтиш чегараси аниқ — қарийб 5 миллиард сўм!

**“Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги Президент фармони тадбиркорларга кенг қулайликлар яратди.**

**Сожида ЭШМАТОВА.**



армонга кўра, умумий солиқ тартибига ва ҚҚС тўлашга ўтишдаги йиллик тушум чегаравий миқдори 1 миллиард сўмдан 4 миллиард 944 миллион сўмга (БҲМнинг 12 000 баравари) оширилди.

Бунини шундай тушунас бўлади: аввал кичик дўкон очган одам даромади ошиши билан дарров “катта қорхона” қоидаларига ўтиб кетиб, қийналиб қолади. Энди унга энгиллик берилди. Оддий қилиб айтганда, тадбиркорлар ўз ишини кенгайтириб, ишлаши учун “оралиқ босқич” миқдори оширилди.



**Натижада нима бўлади? Маҳаллада одамлар кўпроқ иш бошлайди, кичик бизнеслар ўсади, иш ўринлари кўпаяди. Энг муҳими — ҳамма нарса яширин эмас, очиқ ва тартибли бўлишига ёрдам беради.**



### ИНСОН ҲАЁТИ ҲАР ҚАНДАЙ ШОШИЛИШДАН ҚИММАТ

Мутахассислар фикрича, йўл-транспорт ҳодисаларининг ортишига бир нечта омил сабаб бўлмоқда:

- ҳайдовчиларнинг белгиланган тезлик меъёрларига риоя қилмаслиги;
- хавфсизлик устидан назоратнинг етарли даражада эмаслиги;
- ҳайдовчиларнинг касбий малакаси ва муомала маданиятидаги камчиликлар.

Бу ҳолатлар жамоат транспорти соҳасида масъулият ва назоратни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Ҳайдовчиларнинг билим ва кўникмаларини мунтазам ошириш, назорат тадбирларини кўпайтириш ҳамда замонавий назорат тизимларини жорий этиш бу борда муҳим аҳамият касб этади.

Энг муҳими, жамоат транспорти хавфсизлиги фақат назорат қилувчи идоралар ёки транспорт қорхоналарининг эмас, аввала, ҳайдовчининг виждони ва касбий масъулиятига боғлиқ. Автобуснинг вазифаси одамларни манзилга тез етказиш эмас, уларни соғ-саломат уйига қайтаришдир. Инсон ҳаёти ҳар қандай шошилишдан қиммат.



**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.**



Ўзбекистонда  
ҲАВО  
САРҲАДЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ  
янги тизими  
жорий  
этилади.



Суд тизимида  
коррупциянинг олдини  
олиш мақсадида  
Олий суд таркибида  
КОМПЛЕНС НАЗОРАТИ  
ХИЗМАТИ фаолияти  
йўлга қўйилади.



ФИРИБГАРЛИК  
УЧУН 6 ЙИЛ  
ҚИДИРУВДА  
БЎЛГАН  
Ўзбекистонлик  
Туркияда  
ушланди.

# “МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

## Эҳ, сиз одамлар, эссиз одамлар...

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Иброҳим ота номли маҳаллада жойлашган кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи кўшнilar Шарофат Ҳамроева билан Лобар Исоқова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўртасидаги низо беш йиллик “тарих” га эга.

## ЖАНЖАЛ СУДГАЧА КЕЛМАСЛИГИ МУМКИН ЭДИ, АГАР...

ап шундаки, Шарофат Ҳамроева битта йўлакда яшовчи кўшниси Лобар Исоқовани мунтазам равишда ҳақорат қилиб келган. Ҳатто уриб, дўппослаган. Натижада жиноий жавобгарликка тортилган.

Яқинда Лобар Исоқова даъво аризаси билан судга мурожаат қилди. Унинг айтишича, 2025 йил 18 апрелда содир бўлган жанжалда профилактика инспекторини чакирган. Жавобгар унга таҳдид қилиб, уйдан олиб чиқиб, сочидан тор-

тиб, урган. Ҳолат буйича Шарофат Ҳамроева 2025 йил 25 ноябрдаги суд ҳукми билан жиноий жазога тортилган. Судда маънавий зарарни ундириш масаласи буйича фуқаролик судига мурожаат қилиш тушунтирилган.

Шу боис, Лобар Исоқова шаъни ва кадр-қимматига путур етганини, амалдаги қонунчилик талабларига асосан, жавобгар маънавий зарарни қоплаши лозимлигини баён қилиб, 100.000.000 сўм маънавий зарар ва суд харажати ундиришни сўради. Ўз навбатида, Шарофат Ҳамроева ҳам маънавий зарар кўрганини баён қилиб, ариза киритди.



**Кезикелганида бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда кўп масала ва муаммолар маҳаллада ҳал этиляпти. Суд мазкур фуқаролик ишини мазмунан кўриш жараёнида тарафлар ўртасидаги зиддият ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида маҳалла фаолларига муҳлат берганди. Агар оқилона ечим топилиб, улар яраштирилганида эди, иш судгача етиб келмасми...**

Суд мажлисида даъвогар Лобар Исоқова жавобгар мунтазам равишда уни обрўсизлантириб келишини, маҳалла вакиллари иштирокида масала бир неча марта кўриб чиқилганини, лекин ижобий ҳал қилинмагани сабабли судга мурожаат этганини айтди.

Аммо жавобгар Шарофат Ҳамроева бу даъво талабини тан олмади. Аксинча, қарши давросини қаноатлантиришни ва жанжалкаш кўшнисидан маънавий зарар ундириб беришни сўради.

Жиноят ишлари буйича Олмазор туман судининг ҳукми билан жавобгар Шарофат Ҳамроева Жиноят кодексининг 140-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор, деб топилди, унга шу модда билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Суд даъвогар Лобар Исоқованинг талабини муҳокама қилди. Жавобгарнинг содир қилган жинояти унинг соғлиғи ва руҳий ҳолатига салбий таъсир қилган. Шаъни ва кадр-қиммати камситилганлигини, бу ҳолатлар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан тасдиқланганлигини, бундай ҳолатда даъво талаблари асосли ҳисобланганини инобатга олиб, Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларига асосланиб, даъво талабини қисман қаноатлантириб, жавобгардан етказилган маънавий зарар учун даъвогар фойдасига 8.000.000 сўм компенсация ундиришни лозим топди.

Шу билан бирга, суд Шарофат Ҳамроеванинг қарши даъво талабини муҳокама қилиб, келтирган вазият юзасидан маънавий зарар етказилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим қилмаганлигини ва бундай асосларнинг мавжудлиги аниқланмаганлигини инобатга олиб, қарши даъво талабини қаноатлантиришни рад қилди.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнни мустахҳиқ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



## МЕНДА САВОЛ БОР...

# ҚЎШНИЛАР ТИНЧЛИКНИ БУЗСА...

**Назира БОҚИЕВА,**  
Чилонзор тумани:

— Агар кўшнilar шовқин-сурон кўтаришиб тинчликни бузса, кимга мурожаат қилиш керак?

**Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,**  
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Бу саволга қонунчилигимизда аниқ жавоб берилган. Яъни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддасига кўра, тунги вақтда, соат 23-00 дан 06-00 гача фуқароларнинг оёқ-қўлини бузиш тақиқланади. Агар кўшнilar ёки бегона шахслар тинчликни бузса, ҳудудий профилактика инспектори ёки 102 рақамига мурожаат қилишнинг зарари йўқ. Чунки ҳар бир инсоннинг дам олиш ҳуқуқи қонун ҳимоясига олинган.

Кодексга кўра, бундай ҳолатларда фуқароларга БҲМнинг учдан бир қисми миқдоридан жарима қўлланилиши мумкин. Агар қонунбузар мансабдор шахс бўлса, жарима миқдори учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача белгиланади. Бироқ агар шундай ҳуқуқбузарлик бир йил давомида яна такрорланса, фуқаролар учун жарима миқдори БҲМнинг ярим бараваригача, мансабдор шахслар учун БҲМнинг бир бараваригача оширилади.



ЖИЗЗАХ

“Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида бир гектарлик “Маҳалла боғи” фойдаланишга топширилди.

Элёр АБДУСАЛОМОВ,  
Ғаллаорол туманидаги “Оқтош” маҳалласи профилактика инспектори.

аҳимага тушиб қолган қишлоқ одамларини тинчлантириб, хотин-қизлар, болаларнинг хавфсиз жойга ўтишини таъминладим. Натижада кўтарув хизмати етиб келгунга қадар сел талофатлари анча камайди.

Аслида, ҳар бир кун аҳоли хавфсизлиги ва маҳалла осойишталигини таъминлаш учун масъулиятли ҳисобланади. Шу боис эрта тонгдан ҳудуддаги вазиятни ўрганиш, мурожаатларни эътиборсиз қолдирмаслик, тинчликни таъминлашга бўлган вазифаларни илқ дақиқадаёқ ҳал этишга интиланман. Халқ дарди билан яшаш кундалик фао-

лиятининг ажралмас қисмига айланган.

Маълумки, маҳалла — фақат яшаш ҳудуди эмас. Бу — инсон тақдирини, оила бахти, болалар кулгуси ва кексалар хотиржамлигини мужассам этган маскан. Ана шу осойишталикни сақлаш вазифамиздир. Тарғибот тадбирлари, ижтимоий суҳбатлар ва маъмурий чоралар қонунларни бузмасликни таъминляпти. Ҳудудда 2022 йилда иш бошлаган бўлсам, ушунда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар нисбатан кўп эди. Дастлаб уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўргандим, ечим топдим. Ҳозир “яшил” тоифадаги маҳаллалар қаторидаимиз. 4 йилдан бери шу эътирофни ўзгармаслигига эришдик. Фаолиятим

давомида 8 нафар қидирувдаги шахсларни топиш, гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатларни фош этишда жонбозлик кўрсатдим.

Маълумки, вазифамиз инсон тақдирини, оила муаммоларини ва маҳалла тинчлигини билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир мурожаат ортда инсон тақдирини турганини бир зумга унутмайман. Эҳтиёж туғилганда нафақат маслаҳат, балки ёрдам бераман. Айниқса, низоли оилалар билан манзилли ишляпмиз. Яъни, хонадонга Бу натижада акс этапти. Ил бошида рўйхатга олинган 12 та низоли оиланинг 8 таси яраштирилди.

Кўпроқ ёшлар билан тарғибот тадбирлари ўтказишга уруғ беряпмиз. Боиси жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабини ўрганишимизда, аксариятда айбланувчилар қилмишининг оқибатини билмаслиги ойдинлашди. Ваҳоланки, қонунни билмаслик жавобгарликдан озод этмайди. Бу ҳақда мактабда ўқитувчидан эшитиш — бошқа, ҳуқуқий соҳа ходимидан билиш — бошқа. Шундан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларида очик мулоқотлар ўтказиб борапмиз. Унда жиноят, унинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилардан ташқари, қонунга итосизликнинг аччиқ оқибатлари ҳақида маълумот беряпмиз.

Ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт тарзини яхшилашида инфратузилмага доир муаммоларнинг ҳал этилгани муҳим аҳамият касб этапти. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 26 км. узунликдаги автомобиль йўллари бетонлаштирилди. Ички йўллари таъмирлаш ва асфалт қопламаси ётқириш ишлари олиб борилди. Амалга оширилган бунёдкорлик натижасида қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш имконияти яратилди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Дизайнерлар:  
Лазиз Мейликов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.

Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.

Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 919 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

